

Президент Туркманистанга жўнаб кетди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Сердар Бердимуҳамедовнинг тақлифига биноан 20 октябрь куни расмий ташриф билан Туркманистанга жўнаб кетди.

Бўлажак олий даражадаги музокаралар чоғида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади. Саммит якунида устувор йўналишлар бўйича ўндан зиёд ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

Ашхобод шаҳрида «Тошкент» боғининг очилиши, «Хоразм - Тошовуз» чегараолди савдо маркази қурилишининг бошланиши ҳам ташрифнинг муҳим воқеалари бўлади.

Манба